*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

3 октябрь, пайшанба, 1996 йил

Сотувда эркин нархда. № 201 (1453)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 октябрь куни Америка Қўшма Штатлари Савдо вазирлигининг маслаҳатчиси Ян Калицкини қабул қилди.**

— Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатлар мунтазам ривожланиб бораётганидан мамнунмиз, — деди Президент Ислом Каримов. — Айниқса, мамлакатларимиз ҳамкорлигини равнақ топтириш борасида бир талай ютуқлар қўлга киритилгани диққатга сазовордир.

Ян Калицки Ўзбекистон Президентининг шу йилнинг ёзида Америка Қўшма Штатларига ташрифи давлатларимизнинг икки томонлама муносабатларига улкан ҳисса қўшганини алоҳида қайд этди.

— Сизнинг нафақат АҚШ Президенти Билл Клинтон ва бошқа расмий кишилар билан бўлган учрашувингиз, балки ишбилармон доиралар, айниқса, хусусий сектор вакиллари билан мулоқотларингиз Америка тадбиркорларида жуда катта таассурот қолдирганини алоҳида таъкидламоқчиман, — деди у.

Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов, Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Қайим Ҳаққулов иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: қабул пайти. Р. ЖУМАНИЁЗОВ тасвирга олган.**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 2 октябрь куни Белгия Қироллигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Марк Франк ишонч ёрлиғини топширди.***

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Белгия Қироллиги ўртасидаги муносабатлар кундан кунга мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Президент Ислом Каримов икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари янги ривожланиш босқичига қадам қўяётганини қайд этиб, мана шундай масъулиятли дамда Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаган элчининг ишига муваффақият тилади.

Марк Франк Белгия Қироллиги Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада равнақ топтириш ниятида эканини маълум қилиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида ўз куч-ғайратини аямаслигини билдирди.

***Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Венгрия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Дьёрд Нановски ишонч ёрлиғини топширди.***

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги алоқалар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик аввалдан изчил ривожланиб келган. Шу боис, Ўзбекистон халқи Венгрияни, унинг сифатли товарларини яхши билади ва қадрлайди.

Президент Ислом Каримов бугунги кунда мамлакатларимиз муносабатлари янгича характерда шаклланаётгани ҳамда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга эҳтиёж туғилаётганини таъкидлади.

Элчи Дьёрд Нановски мамлакатларимиз ҳамкорлиги, унинг равнақи, икки мамлакат халқлари манфаатига хизмат қилиши ва бу йўлда астойдил саъй-ҳаракат кўрсатишини таъкидлади.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Коуичи Обата ишонч ёрлиғини топширди.***

Президент Ислом Каримов жаҳонда юқори нуфуз ва алоҳида иқтисодий салоҳиятга эга Япония билан Ўзбекистоннинг муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори яратилгани ва шу асосда алоқаларимиз янада равнақ топишига ишонч билдирди.

Коуичи Обата икки мамлакат халқлари манфаати йўлида хизмат қилиш ўзи учун улкан шараф эканини қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбари элчининг янги шарафли ва масъулиятли вазифасини адо этишда унга омад тилади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА!

***Азиз ўқитувчилар, меҳрибон мураббийлар!***

***Сизларни касб байрамингиз — Халқ таълими куни муносабати билан чин кўнгилдан самимий табриклайман.***

***Доно халқимиз шарқона эҳтиром билан сизларни УСТОЗ деб эъзозлайди. Зеро, ёшларнинг қалбини уйғотадиган, уларнинг юракларида истеъдод булоқларини очадиган, инсоннинг ўзлигини танитадиган сиз — устозларсиз.***

***Азиз устозлар! Ватанимиз, заминимиз, дилимиз ва тилимиз мустақил бўлганига ҳам 5 йил тўлди. Ана шу давр ичида тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларидан, маданий ва маънавий меросимиздан ёш авлодни огоҳ этиш, уларда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни тарбиялаш, ўзликни англаш, шунингдек, дунё тараққиётидан баҳра олиб давлатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқадиган ворислар етиштириш борасида сизнинг ҳиссангиз беқиёсдир.***

***Илму маърифатда, маънавиятда жаҳонга машҳур бўлган шарқона мактабимиз бор. Ана шу улкан дарсхона анъаналарини жаҳон андозалари билан бойитиб, уни такомиллаштириб, ёш авлод онгига сингдириб борсангиз, улардан руҳий ва жисмоний соғлом авлод етиштирсангиз ҳақиқий ватанпарварлик бурчингизни адо этган бўласиз.***

***Маънавияти юксак, Ватанига содиқ авлодни тарбиялашдек машаққатли, шу билан бирга фахрли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман ва барчангизга Оллоҳдан сиҳат-саломатлик, оилангизга тотувлик сўрайман. Шижоат, фидойилик, изланувчанлик сизларнинг ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштиришга, ёшларимиз онгига миллий ғурур ва истиқлол мафкураси ғоясини сингдиришга қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган улкан ишлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**АБДУЛЛАЕВА** Саодатжон — Ҳазорасп туманидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**АБДУМАННОНОВ** Отақул — Хатирчи туманидаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

**АКРАМОВА** Мастурахон Хожихоновна — Марғилон шаҳридаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**АМОНОВ** Камол — Ургут туманидаги 34-ўрта мактаб директори, Самарқанд вилояти

**АРИПОВА** Гавҳар Ҳамидовна — Қўқон шаҳридаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**ВАФАЕВ** Шукурулла Кочкарович — Элликқалъа туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ЖЎРАЕВ** Барот — Гулистон туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ИКРАМОВА** Нигора Тураповна — Мирзо Улуғбек туманидаги 120-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**ЙЎЛДОШЕВ** Тошпўлат — Пискент туманидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**КРАСИЛЬНИКОВА** Любовь Михайловна — Андижон шаҳридаги 43-ўрта мактаб ўқитувчиси

**МАМАСОЛИЕВ** Йигитали — Денов шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**МИРХОНОВ** Ринат Бўриевич — Бухоро шаҳридаги 16-ўрта мактаб директори

**НАЗАРОВА** Гули — Шўрчи туманидаги 44-мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ОЧИЛОВА** Анора — Каттақўрғон туманидаги 33-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**РАСУЛОВ** Мустафо — Ғузор туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**СУЛАЙМОНОВ** Оринбой — Чимбой туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ТОЖИБОЕВ** Каримжон — Поп туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**ТЎРАМУРОДОВ** Абдуғаффор — Зомин туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**ХАРИТОНОВА** Нина Трофимовна — Жиззах шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси

**ХЎЖАЕВА** Мастура Шариповна — Ромитан туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**ШАРОПОВА** Муҳаббат Араповна — Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**ШЕРАЛИЕВ** Абдураззоқ — Норин туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**ЮСУПОВ** Азизжон — А. Икромов туманидаги 197-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**ЎРИНБОЕВ** Мамашариф — Шаҳрихон туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**ҚАЮМОВА** Шоҳида Рашидовна — Тошкент туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ҚОДИРОВА** Шарифа Қодировна — Гулистон шаҳридаги 9-ўрта мактаб директори, Сирдарё вилояти

**ҚУРБОНБОЕВА** Амина — Гурлан туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**ҲАМРОЕВ** Шуҳрат — Нурота туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Ёшларга таълим бериш, жисмонан ва руҳан соғлом авлодни камол топтириш, уларни ватанпарварлик, она-Ватанга муҳаббат, содиқлик ҳамда порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш учун энг яхши моддий ва ахлоқий муҳитни таъминлашда Ўзбекистон давлати ва халқи олдидаги жуда катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### 1-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**АБДУҒАНИЕВА** Ханипахон — Учқўрғон туманидаги 24-ўрта мактаб директори ўринбосари, Наманган вилояти

**АЗИМБОЕВА** Муҳаббат Абдураҳмоновна — Самарқанд вилояти сил касалликлари шифохонасининг «Йўлдош» мактаби ўқитувчиси

**БАҲОДИРОВА** Валентина Григорьевна — Қамаши туманидаги «Меҳрибонлик уйи» директори, Қашқадарё вилояти

**БОЗОРБОЕВА** Раъно — Мирзачўл туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**ВОЙИДОВ** Исмоил — Навоий шаҳридаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқитувчиси

**ЖАЛОЛОВА** Ҳавохон — Денов туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ЖУМАЕВА** Гулсора Жўраевна — Қумқўрғон туманидаги 49-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ЖЎРАҚУЛОВ** Ҳайитбой — Дўстлик туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**ҚУТЛИМУРАТОВ** Аймурат — Тахиатош шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**МАМУТОВА** Венера Ҳамидовна — Уйчи туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти.

***(Давоми 2-бетда).***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***1996 йил 1 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Миллий Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди.***

Кенгашда қўшни Афғонистон ислом давлатида «Толибон» ислом ҳаракати мамлакат пойтахти Қобулда ҳокимиятни эгаллаб олгани натижасида вужудга келган ташвишли ҳарбий-сиёсий вазият кўриб чиқилди.

Кенгаш мажлисида Афғонистондаги уруш 17 йилдан зиёдроқ давом этаётгани ва бу уруш 1989 йилда собиқ СССР қўшинлари бутунлай олиб чиқиб кетилгандан кейин ҳам тўхтамагани ниҳоятда катта ташвиш уйғотаётгани қайд этилди. У ерда турли сиёсий-этник гуруҳлар ва ҳаракатлар ўртасида ҳокимият учун уруш кетмоқда ва бу уруш туфайли жафокаш афғон халқи жабр тортмоқда.

Ўзбекистон бу мамлакатда терроризм, гиёҳвандлик, инсон ҳуқуқларининг бузилиши авж олганидан жиддий ташвишланмоқда.

Мажлис иштирокчилари ўз нутқларида Ўзбекистон раҳбарияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавсизлик ва хамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар минбаридан бир неча марта Афғонистонга қурол-яроғ ва ўқдориларни етказиб беришни тақиқлаб қўйиш ташаббуси билан чиққанига эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистоннинг бу ташаббусларини БМТ аъзолари бўлган кўп давлатлар , Раббоний тарафдорларидан ташқари, халқаро жамоатчилик кенг қўллаб-қувватлади.

Кенгаш мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси БМТ коидаларига, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизлик ишига, қўшни мамлакатларнинг ички ишларига аралашмасликка қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказишга содиқлиги ва Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш тарафдори экани ҳам таъкидланди.

Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

***1996 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлди. Олий Мажлиснинг VI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов сўзлаган нутқда илгари сурилган қоидаларга мувофиқ, ҳозирги босқичдаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларини амалга оширишга доир тадбирлар кўриб чиқилди ва тасдиқланди.***

Ушбу тадбирларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш, суд ислоҳотини чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш ҳамда фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни тубдан яхшилашга қаратилган чоралар кўзда тутилган ва ижроия ҳокимиятини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан ушбу тадбирларни амалга ошириш учун Олий Мажлис Раиси Э.Ҳ.Халилов бошчилигида комиссия тузилди. Комиссия таркибига ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимларининг вакиллари, партиялар ва ҳаракатларнинг, бир қатор жамоат ташкилотларининг раҳбарлари киритилди.

Комиссия зиммасига давлат органлари,фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатларини мувофиқлаштириш юклатилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 — 1999 йилларга мўлжалланган фаолият дастури тасдиқланди.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.А.Шодиева республикада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов якунлари тўғрисида ахборот берди.

Бўлиб ўтган сайловларда юқори даражада фаоллик кўрсатилганлиги алоҳида таъкидланди. Фуқароларнинг йиғинларида мамлакатимиз сайловчилари умумий сонининг 70 фоизидан ортиғи қатнашди. Бу йил сайланган 6955 нафар йиғин раисининг 84 фоиздан зиёди ва 60 минг нафар маслаҳатчиларнинг 65 фоиздан ортиғи иккинчи муддатга қайта сайланганлиги ҳам ўз-ўзини бошқарув институтининг ўрни ва обрў-эътибори ошганлигидан далолат беради.

Йиғинлар амалий ва ишчанлик вазиятида ўтди. Уларда Президент И.А.Каримов томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган ҳамда бозор ислоҳотларини изчил ўтказишга, кучли ижтимоий сиёсатни, халқимизнинг маънавий қадриятлари ва анъаналари тикланишини, республикамизда барқарорлик ва фуқаролар тотувлигини таъминлашга қаратилган сиёсат тўла қўллаб-қувватланди.

Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайлов якунларини халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида кўриб чиқиш ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, бу органларнинг фаолияти тўғрисида аҳолини вақти-вақти билан хабардор қилиб туриш тавсия этилди.

Шунингдек ушбу масала муҳокамасида Олий Мажлис депутатлари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш.С.Темуров, Наманган шаҳри ҳокими М.Каримов ҳамда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги «Каттаминг» фуқаролар йиғини раиси, туман Кенгаши депутати М.Ш.Шодиев иштирок этдилар.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида маҳаллаларнинг ролини ошириш юзасидан қилинган ишлар тўғрисида туман ҳокими Ш.М.Мирзиёев батафсил ахборот берди.

Олий Мажлис Кенгашининг мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

## АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Бугунги кунда Афғонистондаги воқеалар бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг махсус мажлислари шу воқеаларга бағишланди. Шунинг учун ҳам жаҳон мамлакатларининг кўпчилигида оммавий ахборот воситалари Афғонистон ва унинг теварагидаги вазиятга асосий эътибор бераётгани табиий ҳолдир.Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида Афғонистондаги мавжуд ташвишли вазият муҳокама қилинди.

Мажлисда Афғонистондаги сўнгги воқеалар, энг аввало «Толибон» ислом ҳаракати Кобулни эгаллагани, бу ҳаракат иштирокчиларининг таъсири мамлакатнинг жуда кўп, жойига тарқалгани ҳамда босиб олинган ҳудудларда диний мутаассиблик тақозо этаётган бошқарув тажрибаси ҳамда турмуш тарзини зўрлик билан жорий этиш Афғонистонда ҳарбий-сиёсий вазиятнинг жиддий равишда чигаллашишига, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида ва бутун дунёда жўғрофий-сиёсий ва ҳарбий стратегик вазиятнинг мураккаблашишига олиб келиши мумкинлиги таъкидланди.

Толибларнинг ҳатти-ҳаракатлари сиёсий курашнинг маърифий усуллари доирасидан ташқаридадир. Улар ўз сиёсий рақибларидан ғайриқонуний йўл билан жуда тезкор ўч олишни авж олдиргани ўта шафқатсизлик ҳисобланади.

Толиблар Кобулдаги БМТ ваколатхонаси ҳудудига бостириб кириб, Нажибулло, унинг оила аъзолари ва тарафдорларини ваҳшийларча ўлдирдилар, уларнинг жасадини дафн этмай, шаҳар марказида ҳамманинг кўриши учун қолдириб, таҳқирладилар. Бу ваҳшийлик ўрта асрдаги даҳшатли даврда эмас, бугунги кунда — XXI аср бўсағасида содир бўлганини тасаввур этиш қийин.

Толибларнинг инсон ҳуқуқларини кескин чеклашга қаратилган ҳаракатларини изоҳлаб бўлмайди. Улар хотин-қизларнинг рўмол ўрамай ва тан маҳрам ҳамроҳ бўлмаган ҳолда кўчага чиқишини, мактабда ўқишини, ижтимоий фойдали иш билан шуғулланишини тақиқлаб қўйишган. Улар ўрнатган тартиб бўйича аҳолининг Европача кийинишига, эркакларнинг эса соқол олдиришига йўл қўйилмайди. Ҳозирги кунда Кобул кўчаларида толиблар ўрнатган тартибни бузишга ботинган аёллар ва эркакларни калтаклаш ҳоллари қайд этилмоқда.

Раббоний ҳукумати қўшинлағи, шунингдек, урушнинг узоқ давом этаётганидан ночор аҳволга тушиб қолган маҳаллий аҳоли толибларга тегишлича қаршилик кўрсатолмаётгани алоҳида ташвиш уйғотади.

Ҳозирги урушнинг афғон халқи манфаатларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу уруш турли уруғ-аймоқларнинг, жиноий тўдаларнинг ўз таъсир доирасини кучайтириш ва ҳокимиятни қўлга олиш учун очиқдан-очиқ курашига айланиб кетди.

Бу жафокаш мамлакат аҳолисининг кўп қисми тинч меҳнатдан маҳрум бўлиб, турмуш учун зарур воситалар асосан қурол кучи билан қўлга киритилишига кўникиб қолгани — Афғонистонда оғир вазият вужудга келаётганининг сабабларидан биридир. Мамлакатда таъсирчан ва кучли марказий ҳокимият йўқ. Жуда кўп қуролли тузилмалар парчаланиб, ўзларининг қабиҳ мақсадлари йўлида ўз ҳолича ҳаракат қилмоқда.

Ғарбдаги оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар Тожикистондаги бугунги кундаги хавфли ҳарбий-сиёсий вазиятни янада чигаллаштириши мумкин.

Ўзбекистон қўшни давлатларда юз бераётган вазиятга бефарқ қараб тура олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаб қўйиш тўғрисидаги таклифни бир неча бор ўртага қўйди. Ўзбекистоннинг бу ташаббусини халқаро ҳамжамият, шу жумладан АҚШ, Россия, Европадаги кўп давлатлар кенг қўллаб-қувватлади. Айни пайтда бу таклифнинг аҳамиятини Президент Раббоний ва унинг тарафдорлари англаб етмадилар.

Ўзбекистон раҳбарияти бошқа манфаатдор давлатлар билан биргаликда тегишли маслаҳатлашув ва учрашувлар ўтказмоқда, мазкур можарони тинч йўл билан бартараф этишга кўмаклашиш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

**(ЎзА).**

